

ЁНГИН -ПОРТЛАШ ОБЪЕКТЛАРДАГИ АВАРИЯ ВА ҲАЛОКАТЛАР.

*Фарғона вилояти Фавқулодда
вазиятлар Бошқармаси Қўқон шаҳар
ҲФХЎМ ўқитувчиси*

Гафуров Абдуносир Абдурасулович

Аннотация: Ушбу мақолада ёнгин тўғрисида, ёнгиннинг келиб чиқиши, омиллари, осон ёниб кетадиган ҳамда бошқа ёнгин учун хавфли моддалар ва материаллар, одамларнинг захарланишига ва ўлимига олиб келадиган сабаблар, ёнгин-портлашларнинг асосий сабаблари ва манбалари тўғрисида батафсил тушунча берилган.

Калит сўзлар: авария, ёнгин-портлаш, ёнувчи модда, фавқулодда вазият, кимёвий авариялар, объектлар.

Республикамизнинг ҳар бир фуқароси жамоат ва давлат мулкини кўз қарочиғидай сақлаши ва асраб-авайлаши, ёнгин ҳақида тўлиқ маълумотга эга бўлиши ва бундай ҳолатларда вазиятга тўғри баҳо бера олиши ҳақида қайғуриши керак. Шунинг учун ишлаб чиқариш корхоналарида ёнгинни олдини олиш ва ўт ўчириш тадбирлари кенг жамоатчиликка суянган ҳолда, цехлардаги ҳар бир ишчининг иштирокида олиб борилади. Ёниш деб ёнувчи модда билан ҳаводаги кислороднинг ўзаро таъсири натижасида жуда тез кечувчи ва кўп миқдорда иссиқлик ажралиб чиқувчи кимёвий реакцияга айтилади. Кўп ҳолларда ёниш ёнувчи модда заррачаларининг нурланиши билан бирга кечади. Ёниш ҳосил бўлиши ва у давом этиши учун ёнувчи модда (қаттиқ, суюқ ёки газсимон), оксидловчи модда (оддий шароитда оксидловчи модда вазифасини ҳаводаги кислород ўтайди) ва ёндирувчи манба (учқун, очиқ аланга ва чўғланган нарса) мавжуд бўлиши керак.

Шуни айтиш керакки, ҳаводаги кислород миқдори 15 фоиздан юқори бўлгандагина у оксидловчи вазифасини бажара олади, ундан паст концентрацияда эса ёниш мавжуд бўла олмайди.

Ёнгин - бу назорат қилиб бўлмайдиган ҳодиса бўлиб, бебаҳо моддий ва маданий бойликларни бир дақиқада йўқ қилувчи офат, айниқса у фуқароларнинг жонига кулфат келтирувчи фавқулодда вазиятдир].

Ёнгиннинг келиб чиқиши учун уч омилнинг бир вақтни ўзида бир жойда бўлишини ўзи кифоя. Яъни:

- ёнувчан модда (нефт, ацетон, қоғоз, ёғоч ва бошқалар);
- ҳаво ҳарорати (кислород миқдорининг ортиши);
- учқун-аланга (гугурт, учқун, электр симининг қисқа туташуви).

Республикамизда ёнгин ва портлаш хавфи бор объектлар жуда кўп бўлиб, улар аҳоли ва ҳудуд учун хавф-хатарлар манбаи ҳисобланади ва муайян шароитда улардаги хавфли ҳодисалар фавқулодда вазиятга айланиб кетиши мумкин

Ёнгин ва портлашларнинг асосий сабаблари ва турлари:

- ёнгин хавфсизлиги қоидаларига амал қилмаслик;
- фуқароларнинг лоқайдлиги, эътиборсизлиги;
- электр симларининг носозлиги;
- газ, кўмир, ўтин билан иситиладиган воситалардаги носозликлар ва фойдаланиш қоидаларига риоя қилмаслик;
- болаларни қарувсиз қолдириб ёнгин билан ўйнашлари;
- қасддан ёнгин қўйишлар;
- бошқа сабаблар.

Ёнгиннинг тез кенг тус олиши сабаблари:

- ёнгиннинг содир бўлиш омили;
- ёнгин содир бўлган жойларда, ён-атрофнинг қизиқ кетиши;
- ёнгинда ёнаётган жисмлардан чиқаётган тутун ва захарли моддалар.
- ёнгин содир бўлган жойларда ва теvarак-атрофларда ҳаво ҳароратининг ўзгариши.

Бу ёнгиннинг бирламчи кенг тус олиш омиллари бўлса, иккиламчиси:

- ёнгин содир бўлган бино ёки иншоот деворининг кулаб тушиши;
- портлашлар содир бўлиши;
- ёнгин содир бўлган жойларда турли кимёвий ва захарли моддаларнинг атроф-муҳитга тарқалиши;
- ёнгинни сув билан ўчирилганда турли кимёвий моддалар қоришмаси ҳосил бўлиши натижасида портлашлар юз бериши.

Маълумотларга кўра, ёнгинда нобуд бўлганларнинг 60-80 фоизи нафас олиш йўллариининг захарланиши ёки тоза ҳавонинг етишмаслиги оқибатида ҳалок бўлар эканлар.

Ёнгин кенглиги жиҳатидан уч турга бўлинади:

- кичик ҳажмда;
- ўрта ҳажмда;
- катта ҳажмда.

Ёнгиннинг тез кенг тарқаб кетишининг асосий сабаблари ва унинг чегаралари:

- иншоотларни лойиҳасини ишлаб чиқишда йўл қўйилган хато ва камчиликлар;
- иншоотлар қурилишида Қурилиш меъёрлари ва қоидалари ва давлат стандартларига риоя қилмаслик;
- ёнгин назорати, газдан фойдаланишни назорат қилиш ходимлари томонидан кўрсатилган ёнгинни олдини олиш тадбирларининг бажарилмаслиги;
- фуқароларнинг ёнгин содир этилганда ўз вазифаларини билмасликлари ва ваҳимага тушишлари;

- болаларнинг ёнғин чиқишига олиб келувчи ўйинларига бепарволик;
- ёнғинга қарши курашда қўлланиладиган қутқарув воситаларининг камлиги.

Ёниш ва портлаш хусусиятига қараб хавфлилик жиҳатидан улар 6 гуруҳга бўлинади: А, Б, В, Г, Д, Е.

А гуруҳи - нефт ишлаб чиқарувчи заводлар, кимёвий корхоналар, нефт ўтказувчи қувурлар, нефт омборхоналари.

Б гуруҳи - кўмир кукуни, ёғоч қипиғини тайёрловчи-жўнатувчи цехлар, ун ва унни қайта ишлаб чиқариш комбинатлари.

В гуруҳи - ёғоч пахта ва уларни қайта ишлаб чиқарувчи корхоналар, қоғоз корхонаси.

Ушбу гуруҳлар энг хавфли объектлардан ҳисобланади.

Ўтга чидамлилиги жиҳатидан қурилиш иншоатлари ва бинолар (1-жадвалга қаранг, с-соат) 5 турга бўлинади :

Барча қурилиш материаллари ўтга чидамлилиги жиҳатидан 3 турга бўлинади:

- ёнмайдиган - бу материаллар оловнинг таъсирида ёки юқори ҳароратда ёнмайди, тутмайди ва эрмайди. Буларга бетон, гипс, пишиқ ғишт, мармарлар киради;

- оғир ёнувчан - бу материаллар юқори ҳарорат таъсирида қийинчилик билан учқунланади, тутайди ва кўмирланади ҳамда олов манбаи бўлгандагина ёнишда давом этади. Буларга ДВП, ДСП ва бошқалар киради;

- ёнувчан - бу материаллар ёнғин-олов ёки юқори ҳарорат таъсири остида учқунланади, тутайди ёки олов манбаи олиб ташлангандан сўнг ҳам ёнишда ва туташда давом этади. Буларга ёғоч материаллари, целлюлоза, пластмасса, тол, қоғоз, битумлар ва бошқалар киради.

Амалдаги тартибга асосан ёнувчан ва енгил ёнувчан қурилиш материаллари жамоат жойларида, болалар муассасалари ва шифохоналарда ишлатилиши қатъиян ман этилади. Айниқса хайкалтарошлик материаллари, чунки улар ёнганда ўзидан инсон саломатлигига хавф келтирувчи турли захарли газларни чиқаради. Бу борада биноларда содир бўлган ёнғинларнинг тез ва кенг тус олишига ва тарқалишига олиб келувчи ҳолатларни содир этиб, асосий биноларни ушлаб турувчи иншоотларнинг бузилишига олиб келади.

Энди ёнғин каби портлаш ҳақида ҳам фикр юритамиз. Аввало шуни айтиш жоизки, ёнғин ва портлашлар ўзаро узвий боғлиқлиги сабабли барча ташкилотларда содир бўладиган ёнғинлар натижасида портлашлар ҳам бўлиши мумкин ёки аксинча портлаш натижасида ёнғинлар содир бўлиши мумкин.

Портлаш - бу қисқа вақтнинг ўзида чегараланган ҳажмдаги, катта миқдордаги қувватнинг ажралиб чиқишидир.

Портлаш газларнинг қаттиқ қизиши оқибатида юқори босим таъсирида содир бўлади. Портлашлар асосан ёнғин ва портлаш хавфи бор ташкилотларда содир содир бўлиб унинг, оқибатида ёнғинлар келиб чиқиши мумкин . Портловчи моддалар сақланадиган омборлар, улар билан боғлиқ бўлган ташкилотлар портлаш хавфи бор

ташкилотлар хисобланиб, уларда маълум шароитларда портлаш содир бўлиши мумкин. Буларга мудофаа, нефт ва нефт маҳсулотларини қайта ишлаб чиқарувчи-сақловчи, кимёвий, газ, пахта, қоғоз, нон маҳсулотлари, енгил саноат корхоналари, улар ишлаб чиқарган тайёр маҳсулотларни сақловчи омборхоналар ва улар билан боғлиқ бўлган барча муассасалар киради.

Ўзбекистон ҳудудида газ билан таъминланган фуқаролар уйларида назарда тутмаган ҳолда 500 дан зиёд портлаш ва ёнғин чиқиш ҳавфи мавжуд ташкилотлар бор.

Портлашнинг зарар етказувчи омиллари;

- зарба мавжи (зарба тўлқинлари);
- синик парчаларнинг сочилиши.

Булар бирламчи ҳолатлар бўлса, иккиламчиси портлашлар, ёнғинлар, фалокатлар, кимёвий ва радиацион шикастланишлар, кенг тусда тўғонларнинг бузилиши ва сув тошқинларининг содир этилиши, биноларнинг қулашига олиб келиши мумкин.

Зарба тўлқинлари юқори босимдаги портлашдан ҳосил бўлган ҳаво тўлқинларининг кучли овоз чиқариб тарқаладиган зарба мавжи қарши келган қаттиқ жисмларнинг парчаланишига ва сочилишига олиб келади.

Синик парча - майдонларда парчаланган буюмларнинг синик қисмларини ташкил этади.

Портлаш-суюқликларнинг, портловчи моддаларнинг куч ёки иссиқлик таъсирида ўзи жойлашган ҳажмга сиғмай қолиши туфайли чиқишидир.

Портлатувчи омиллар;

- кимёвий (портловчи моддалар);
- ядроли (ядроли куроллар);
- механик услубдаги (юқори босимдаги суюқликларни қуёвчи-тарқатувчи идишларнинг ёрилиши);
- Электромагнит (учкун разряди, лазер учкуни ва б.);
- товушли ва бошқа қувватлар.

Айтилганлардан кўриниб турибдики, ёнғин ва портлашлар қўққисдан содир бўлади ва кўплаб одамларнинг ўлимига ёки оғир тан жароҳати олишларига олиб келади. Барча турдаги фақулдда ҳодисалар инсонлар бошига кулфатлар келтиради. Шунинг учун ҳам Ўзбекистон Республикаси ҳукуматининг Қонун ва қарорларининг бош шиори фуқароларни муҳофаза этишдир.

Бу борада фақулдда вазиятларни содир бўлишини олдини олиш мақсадида барча режалаштирилаётган тадбирларни 3 турга бўлиш мумкин:

- қонуний;
- ташкилий;
- муҳандислик-техник.

“Фуқаро муҳофазаси тўғрисида”ги Қонуни 11 ва 12 моддаларида бу турдаги объектларда ишловчи ходимларни, улар жойлашган худудга яқин яшовчи аҳоли муҳофазаси ҳуқуқий томондан кафолатлангани қайд этилган.

Баъзи бир ёнғин ва портлаш хавфи бор объектларда фавқулодда вазият содир бўлганда улардан биринчи навбатда кўриладиган бевосита қандай зарарлар, иккинчи навбатда эса бевосита қандай зарарлар бўлиши мумкинлигини билиш муҳим ҳисобланади. Ҳар қандай вужудга келган фавқулодда вазият, яъни портлаш ва ёнғин туфайли зарар кўрган муассаса, корхона ва ташкилотларни аввалги иш фаолият ҳолатига тезлик билан келтириш чора-тадбирларини ишлаб чиқишга интилиш керак.

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР:

1. Ўзбекистон Республикасининг “Терроризмга қарши кураш тўғрисида”ги Қонуни, 2000 йил 15 декабрь
2. Ўзбекистон Республикаси “Ёнғин хавфсизлиги тўғрисида”ги Қонуни 2009 йил 30 сентябрь
3. Каримов И.А. Ўзбекистон ХХІ аср бўсағасида: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари. Тошкент, «Ўзбекистон», 1997.